

Фаргона шаҳар “Марказий дехкон бозори” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши ва акциядорлариға

Сана: 29 апрел 2021 й

Аудиторлик хулоса
(Молиявий ҳисобот аудити натижалари бўйича)

Фикр.

Биз масъулияти чекланган жамият шаклидаги "TTT-AUDIT" (JPA International) аудиторлик ташкилоти (*Манзили: 150100. Фаргона шаҳри Янгиобод 5 уй. ХАБ "TRAST BANK". x/p 20208000100921886001, МФО 01123, ИНН 202216926, Оқэд 69202, тел (73) 2416448 email: tttaudit@mail.ru.*) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиши хуқуқи билан 05.04.2019 йилда берилган АФ № 00773-сонли Лицензияси хамда Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.1997 йилда № 335-реестр билан рўйхатга олинган гувохнома хамда Аудитор малака сертификати № 05052 25.08.2012 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган 2017 йил 25 августда узайтирилган) бош аудитор САР Ботиров М Х томонидан Фаргона шаҳар “Марказий дехкон бозори” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 1 январдан -2020 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган “Молиявий ҳолат тўғрисида”ги ҳисоботидан, “Умумлашган даромад тўғрисида”ги ҳисоботдан, “Хусусий капитал”даги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботдан ва “Пул оқимлари тўғрисида”ги ҳисоботдан, шунингдек “Хисоб сиёсати” аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботни аудитдан ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, аудит қилинган молиявий ҳисобот **Фаргона шаҳар “Марказий дехкон бозори” акциядорлик жамиятининг** 2020 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнидаги унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади .

Фикр билдириш учун асос.

Биз аудитни, Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартларга кўра бизнинг мажбуриятларимиз “Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти” номли бўлимда баён қилинган. Биз аудит қилинаётган ташкилотга нисбатан бухгалтерлар учун аҳлоқ стандартлари бўйича Халқаро Кенгаш томонидан профессионал бухгалтерлар учун ишлаб чиқилган Аҳлоқ кодексига мувофиқ ва **Фаргона шаҳар “Марказий дехкон бозори” акциядорлик жамиятининг** молиявий ҳисоботи аудити бўйича аҳлоқий талабларга нисбатан мустақил ҳисобланамиз ва мазкур талаблар ҳамда Аҳлоқ кодексига тегишли бошқа мажбуриятларни бажардик. Биз аудит жараёнида олган аудиторлик далилларини ўз фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарли деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг муҳим саволлари.

Аудитнинг муҳим саволлари- булар бизнинг профессионал муроҳазамизга кўра жорий давр учун тузилган молиявий ҳисобот бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган саволлардир. Улар

умумий тарзда бизни молиявий ҳисобот аудити бўйича тузилган ҳисобот матнида ва ушбу ҳисобот бўйича бизнинг фикримизни шакллантиришда кўриб чиқилган. Шунинг учун ушбу саволлар бўйича алоҳида фикр билдирамаймиз.

Корпоратив бошқарув ва молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва масъул шахсларнинг масъулияти.

Жамият раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботни, Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган мухим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Молиявий ҳисобот тузиш жараёнида ташкилотни ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиягини баҳолаш, тегишли ҳолатларда узлуксиз фаолиятга тегишли маълумотларни очиб бериш, бунда раҳбариятни ташкилотни тутгатиш, унинг фаолиятини тұхтатиш ёки бу харакатларни амалга оширмасликнинг бошқача ечими топа олмаган ҳолатлар бундан мустасно.

Корпоратив бошқарув учун масъул бўлган шахслар ташкилотнинг молиявий ҳисоботни тайёрлашни назорат килиш бўйича масъулдир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти.

Бизнинг мақсадимиз аудит қилинаётган Фаргона шахар “Марказий дехкон бозори” акциядорлик жамиятиииг 2020 йил молиявий ҳисоботи ножӯя харакатлар ва хатолар таъсиридаги мухим бузиб кўрсатишдан холи эканлигига оқилона ишонч хосил қилиш ва ўз фикримиз баён этилган аудиторлик хulosасини эълон қилишдан иборат. Оқилона ишонч ишончнинг юкори даражаси бўлсада, Аудитнинг ҳалқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган мухим бузиб кўрсатишларни барчасини аниқлаш имконини бермайди. Бузиб кўрсатишлар ва ножӯя харакатлар натижаси, агарда улар алоҳида ёки жамлама ҳолда мазкур молиявий ҳисобот асосида фойдаланувчиларни иқтисодий қарор қабул қилишларига таъсир кўрсатса мухим бўлиб ҳисобланади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
“TTT-AUDIT” аудиторлик ташкилоти
бош директори бош аудитор, CAP

М.Х Ботиров



Аудитор малака сертификати № 05052 25.08.2012
йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган